



УУТ: 663.511:631.531.12.

ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ЎРТА ТОЛАЛИ С-9091 ҒЎЗА НАВИНИНГ КАТТА НАВ СИНОВИДАГИ АЙРИМ МИҚДОРЙ БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Расулов Дилмурод Ибодиллоевич,

Қ.х.ф.ф.д, катта илмий ходим

*Пахта селекцияси ва уруғчилиги этиштириши агротехнологиялар илмий тадқиқот
институту*

Турапов Суннатулла Хайруллаевич

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

Жиззах политехника институту

Хожамбергенов Насим Маменович,

Қ.х.ф.д, катта илмий ходим.,

Курбанов Эрполат Амангелдиевич

*Пахта селекцияси ва уруғчилиги этиштириши агротехнологиялар илмий тадқиқот
институту*

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17536815>

Аннотация. Мақолада келтирилган С-9091 навининг қимматли хўжалик кўрсаткичлари таҳлили ва уни республиканинг сув танқис ва шўрланган тупроқ шароитига эга минтақаларига кенг жорий этиши ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: ғўза селекцияси, дурагай, чатиштириши, танлаш, тезпишарлик, тола сифати, тола чиқими, андоза нав, ҳосилдорлик, бир кўсак вазни.

Аннотация. В статье рассматривается анализ ценных хозяйственных показателей сорта С-9091 и его широкое внедрение в регионах республики с дефицитом воды и засоленными почвами.

Ключевые слова: селекция хлопчатника, гибрид, скрещивание, отбор, скороспелость, качество волокна, выход волокна, стандартный сорт, урожайность, масса одного коробочки.

Abstract. The article discusses the analysis of valuable economic traits of the S-9091 variety and its wide implementation in the regions of the republic with water scarcity and saline soils.

Keywords: Cotton breeding, hybrid, crossing, selection, earliness, fiber quality, fiber output, standard variety, yield, single boll weight.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 15-декабрдаги “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-391-сонли қарорида Республикада ғўзанинг серҳосил ва саноатбоп янги навларини яратишни жадаллаштириш ва ғўза навларининг бир майдонда



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman**



узлуксиз 2 йилдан ортиқ экилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудлар учун муқобил янги навлар уруғчилигини ташкил қилиш, ҳудудлар ўртасида муқобил навлар уруғларини қайта тақсимлаб бориш ҳамда йиллик "тиндирилган уруғлик" захирасини яратиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Тадқиқотларимиз натижасида яратилган С-9091 нави катта нав синовида андоза навлар билан таққослаб ўрганилди. Олинган маълумотлар жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, бир дона кўсак вазни бўйича янги яратилган ўрта толали С-9091 ғўза навининг 2019 йилдаги кўрсаткичи 5,9 граммни ташкил этган. Кейинги 2020 йилда бир дона кўсак вазни 6,2 грамм ва 2021 йилда 6,1 грамм эканлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. Уч йиллик натижалар асосида С-9091 ғўза навининг ўртача кўсак вазни 6,1 граммни ташкил этиб, андоза С-6524 навидан +0,4 грамм устун бўлганлиги кузатилди.

Янги яратилган ўрта толали С-9091 ғўза навининг 1000 дона чигит вазни бўйича 2019 йилдаги кўрсаткичи 126 грамм эканлиги, 2020 йилда 128 грамм ва 2021 йилда 130 грамм бўлганлиги аниқланди. 6-жадвал маълумотлари андоза С-6524 ғўза навининг чигит вазни эса, 2019 йилда 125 грамм, 2020 йилда 128 грамм ва 2021 йилга келиб 124 грамм эканлиги, яъни ўртача 125 граммга тенг бўлди. Уч йиллик натижалар асосида С-9091 ғўза навининг ўртача 1000 дона чигит вазни андоза С-6524 навидан +2,3 граммга юқори бўлганлиги аниқланди. Ушбу олинган натижалар ўрганилган белгилар асосида танлаш олдинги босқичларда тўғри ўтказилганидан далолат беради.

Янги яратилган С-9091 ўрта толали ғўза навининг кичик ва катта нав синови натижалари тўғрисидаги маълумот

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	С-9091				С-6524 (андоза)				(хосилдорлиги % да, қолган белгилари абсолют
			Йиллар				Йиллар				
			2019	2020	2021	Ўртача	2019	2020	2021	Ўртача	
1.	Умумий пахта хосилдорлиги	ц/га	40,9	42,4	41,4	41,6	34,8	30,8	30,4	32	9,6
2.	Совуқ тушгунча бўлган хосилдорлиги	ц/га	30,2	30,4	25,7	28,8	31,1	24	25,1	26,7	2,1
3.	Тола чиқими	%	38,3	40,1	39,4	39,3	36,6	36,7	36,2	36,5	2,8
4.	Барча теримлар бўйича тола хосилдорлиги	ц/га	15,2	15,6	15,9	15,6	12	11,5	11,2	11,6	4,0
5.	Микронейр	Мис	4,4	4,5	4,4	4,4	4,5	4,6	4,6	4,6	-0,2



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”**



mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

6.	Штапель узудлиги	Мм	36,4	36,8	36,8	36,7	34,8	35,2	35,2	35,1	1,6
7.	Тезпишарлиги	кун	113	112	114	113,0	119	116	118	117	-4,0
8.	1 дона кўсак вазни	г	5,9	6,2	6,1	6,1	5,6	5,7	5,7	5,7	0,4
9.	1000 дона чигит вазни	г	126	128	130	128,0	125	128	124	125,7	2,3
10	Вертициллёз вилт билан касалланиши	умумий	8,6	12,2	11,9	10,9	15,8	14,3	15,1	15,1	-4,2
		Кучли	2,3	3,2	2,8	2,8	5,1	4,6	5,7	5,1	-2,3

Маълумки, тола узунлиги ва чиқимининг юқори бўлиши селекция жараёнида муҳим иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини беради. Шунинг учун, катта нав синовиди С-9091 навининг тола узунлигини андоза нав билан таққослаган ҳолда ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди

Янги яратилган ўрта толали С-9091 ғўза навининг тола узунлиги 2019 йилда 36,4 мм, 2020 йилда 36,8 мм ва 2021 йилда 36,8 мм эканлиги жадвал маълумотларидан кўришиб турибди. Тола узунлиги бўйича олиб борилган уч йиллик тажриба натижаларига асосан янги навнинг кўрсаткичи 36,7 мм бўлганлиги кузатилди. Андоза С-6524 ғўза навининг ўртача тола узунлиги эса 35,1 мм эканлиги аниқланди. Йиллар кесимида таҳлил қилганимизда, 2019 йилда 34,8 мм, 2020 йилда 35,2 мм ва 2021 йилда 35,2 мм эканлиги намоён бўлди. Яъни, янги яратилган ўрта толали С-9091 ғўза нави андозага нисбатан 1,6 мм га тола узунлиги юқори эканлиги аниқланди.

Тола чиқими бўйича ҳам янги С-9091 навининг андоза С-6524 навига нисбатан устунлиги аниқланди. Жумладан, С-9091 ғўза навининг тола чиқими 2019 йилда 38,3 %, 2020 йилда 40,1% ва 2021 йилда 39,4 % эканлиги, уч йиллик тажриба натижаларига биноан янги навнинг кўрсаткичи 39,3 % бўлганлиги кузатилди. Андоза С-6524 ғўза навининг ўртача тола чиқими 2019 йилда 36,6 %, 2020 йилда 36,7% ва 2021 йилда 36,2% ва ўртача 36,5% эканлиги, яъни, янги яратилган ўрта толали С-9091 ғўза нави андозага нисбатан нисбатан 2,8 % га тола чиқими устунлиги аниқланди.

Вилт касаллигига бардошлилиги. Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тақтиқот институтига қарашли 36-контурда яратилган сунъий фонда технология лабораторияси ходимлари томонидан вилт касаллигига чидамлилиқ даражаси синовдан ўтказилди.



Тадқиқотлар натижасида янги С-9091 нави умумий ва кучли зарарланиш бўйича андоза С-6524 навига нисбатан юқори бардошлилик даражасини намоён этди.

Хулоса: Кўп йиллик изланишлар натижасида яратилган ғўзанинг янги ўрта толали С-9091 ғўза нави андозага нисбатан аксарият қимматли хўжалик белгилари бўйича устунликка эга эканлиги намоён бўлди. Изланишлар натижасида яратилган ушбу навнинг синовларини ташкил этиш ҳамда селекция жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий бошланғич манба сифатида ғўзада қимматли хўжалик белгиларни яхшилаш учун генетик-селекцион изланишларда қўллаш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2023 й. ПҚ-391-сон қарори.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, ЎзПТИ, 2007.46 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевых опытов. –М.,1985.